

Давлат ўрмон кадастри.

Умумий тушунчалар.

- Давлат ўрмон кадастри — бу Давлат ўрмон кадастри объектлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли ахборотлар тизимидир

- Давлат ўрмон кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва ўрмонларнинг ҳимояланганлик тоифасини аниқлаш мақсадида, ўрмонлардан оқилона фойдаланишни, кўриқлашни, муҳофаза қилишни ва қайта тиклашни ташкил этиш, давлат ўрмон фонди ерлари тузилмасида рўй берадиган ўзгаришлар ҳужжатларини юритиш ва назорат қилишнинг ягона тартибини белгилаш учун юритилади.
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ўрмонлар Давлат ўрмон кадастрининг объектлари ҳисобланади.

Қуйидагилар Давлат ўрмон кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:


1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча ўрмонларни тўлиқ қамраб олиш;
2. макон координатлари ягона тизимини ва ягона топография асосини қўлланиш;
3. ўрмонлар тўғрисидаги кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;
4. кадастр ахборотларининг ишончлилиги, кўргазмалилиги ва ҳужжатлилиги;
5. кадастр ахборотларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга қулайлиги.

- . Давлат ўрмон кадастрини юритиш Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Давлат ўрмон кадастри бўлими ва ушбу қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари (ўрмон хўжаликлари) томонидан амалга оширилади.
- Давлат ўрмон кадастрини юритиш ишларига умумий раҳбарлик Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг ўринбосари томонидан амалга оширилади.
- Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибига киради.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Давлат ўрмон кадастри бўлими:

- Давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этишни ва унинг фаолиятини таъминлайди;
- маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, маълумотлар базасининг тўғри тўлдирилишини назорат қилади;
- Давлат ўрмон кадастри объектларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ҳолати, иқтисодий баҳоси тўғрисидаги жорий ўзгаришларни тўплайди ва тизимлаштиради;
- Давлат ўрмон кадастри объектларининг кадастр дафтарларини юритади, тизимлаштириш ва Давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш учун маълумотлар базасини тўлдиради;

- Давлат ўрмон кадастри янги объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини тўплайди;
- кадастр ходимларини Давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими билан ишлашга ўқитишни ташкил қилади;
- кадастр ахборотларини тизимлаштиради ва уларни Давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади;
- Давлат ўрмон кадастри янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини назорат қилади;
- кадастр ахборотларининг Давлат кадастрлари ягона тизимига тезкорлик билан беришни амалга оширади;
- Давлат ўрмон кадастри объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботни Давлат кадастрлари ягона тизимига ҳар йили, белгиланган тартибда тақдим этади.



1. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ваколатли бўлинимаси Давлат ўрмон кадастри объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўтмайди.
2. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ваколатли бўлинимаси ер кадастридан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотларни олади.
3. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ваколатли бўлинимаси кадастр ахборотларини Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлар базасига беради.
4. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ваколатли бўлинимаси сўровга кўра Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлар базасидан Давлат ўрмон кадастри бўйича ахборотлар олиши мумкин.
5. Давлат кадастрлари ягона тизимидан фойдаланувчилар сўровга кўра Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлар базасидан белгиланган тартибда Давлат ўрмон кадастри бўйича кадастр ахборотлари олиши мумкин.